
Катта ҳажмдаги маълумотлар янги серверларга миграция қилинмоқда

Солиқ қўмитаси [маълум қилишича](#), шу муносабат билан жорий йилнинг 30 октябрь соат 18:30дан 5 ноябрь соат 23:59 га қадар онлайн НКТ чекларини таҳрирлаш имконияти вақтинчалик чекланади.

Шунингдек, жорий йилнинг 31 октябрь соат 23:00 дан 5 ноябрь соат 23:59 га қадар жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқларни тўлаш, солиқ ҳисоботи ва декларацияларни тақдим этиш, солиқ қарздорлиги ҳақида маълумотларни электрон тарзда олиш ҳамда бошқа электрон хизматлардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилади.

2024-10-31 11:08:41